**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ**

**ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ МИНИСТРЛЕР КЕҢЕСИНИҢ ҚАРАРЫ**

Нукус шаҳри — Нөкис қаласы

№ 131 «08» 04 2019 ж.й

**Қорақалпоғистон Республикаси давлат мулки объектларини ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни "E-IJRO AUKSION" электрон савдо майдончасида аукцион орқали сотишда инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларнинг миқдори ва турларини белгилаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 октябрдаги "Давлат мулки объектларини ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини тадбиркорлик субъектларига сотиш тартибини соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5552-сон Фармонининг 2-банди ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Кенгаши **қарор қилади**:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Қорақалпоғистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Тўрткўл, Қораўзак ва Қўнғирот туманлари ҳокимларининг "E-IJRO AUKSION" электрон савдо майдончасида аукцион орқали ер участкаларини сотиш учун инвестиция ва ижтимоий мажбуриятларни белгилаш тўғрисида берган таклифлари маъқуллансин.

2. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни "E-IJRO AUKSION" электрон савдо майдончасида аукцион орқали сотиш учун инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларнинг миқдори ва турлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосарлари Б.Хабибуллаев ва Ж.Ембергенов зиммаларига юклатилсин.

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси** — **Қ.Сариев**

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг 2019 йил "08" апрель 131-сонли қарорига илова

**Қорақалпоғистон Республикасида бўш ер участкаларини "E-IJRO AUKSION" ягона электрон савдо майдончаси орқали сотиш учун ҳар бир ер участкасига инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларнинг миқдори ва турлари**

| Т/Р | ҲУДУД НОМИ (КФЙ, ПФЙ МФЙ, ОФЙ,) | Бўш ер участкасидан фойдаланиш фаолият йўналиши | Бўш ер участкасининг уникал рақами | Бўш ер участкаси майдони (гектар) | Инвестициявий мажбурияти (камида), млн сўм | Лойиҳа ташаббускори томонидан ўз маблағларини жалб этиш миқдори, шу жумладан хорижий ва маҳаллий инвестициялар (камида) фоиз хисобида | Ижтимоий мажбурият (камида), ишчи ўрни сони |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | **Тўрткўл тумани** | | | | | | |
| 1 | Калтаминор ОФЙ ҳудуди | АГНКС қурилиши учун танланаётган ер майдони | 1735233-ZU/12267 | 1.0 | 1000 | 40 | 9 |
| 2 | Кўна-Тўрткўл ОФЙ, Анхорли МФЙ ҳудуди | Кулолчилик устахонаси | 1735233-ZU/12806 | 0.1549 | 60 | 50 | 4 |
| | **Қораўзак тумани** | | | | | | |
| 3 | Койбак ОФЙ | Порфорит тошни ишлаб чиқариш саноат майдончаси учун | 1735211-ZU/14196 | 0.46 | 500.0 | 30 | 3 |
| 4 | Койбак ОФЙ | Порфорит тошни ишлаб чиқариш саноат майдончаси учун | 1735211-ZU/14770 | 1.0 | 500.0 | 30 | 3 |
| 5 | Койбак ОФЙ | Порфорит тошни ишлаб чиқариш саноат майдончаси учун | 1735211-ZU/14772 | 1,0 | 500.0 | 30 | 3 |
| 6 | Койбак ОФЙ | Порфорит тошни ишлаб чиқариш саноат майдончаси учун | 1735211-ZU/15360 | 1,0 | 500.0 | 30 | 3 |
| 7 | Койбак ОФЙ | Порфорит тошни ишлаб чиқариш саноат майдончаси учун | 1735211-ZU/15576 | 1.0 | 500.0 | 30 | 3 |
| 8 | Койбак ОФЙ | Порфорит тошни ишлаб чиқариш саноат майдончаси учун | 1735211-ZU/15359 | 0.9 | 500.0 | 30 | 3 |

| Р | ХУДУД НОМИ (КФЙ, ПФЙ МФЙ, ОФЙ,) | Бўш ер участкасидан фойдаланиш фаолият йўналиши | Бўш ер участкасининг уникал рақами | Бўш ер участкаси майдони (гектар) | Инвестициявий мажбурияти (камида), млн сўм | Лойиҳа ташаббускори томонидан ўз маблағларини жалб этиш миқдори, шу жумладан хорижий ва маҳаллий инвестициялар (камида) фоиз хисобида | Ижтимоий мажбурият (камида), ишчи ўрни сони |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | **Қўнғирот тумани** | | | | |
| 9 | Алебиёт ОФЙ | Мева сабзавот сотиш шахобчаси (ларёк) | 1735215-ZU/13992 | 0,0024 | 50.0 | 30 | 1 |
| 0 | Жаслык ШФЙ | Савдо дукони | 1735215-ZU/14834 | 0.0072 | 120.0 | 30 | 2 |